


ЖАЪФАР МУҲАММАД

Вақт паъми

Шеърлар



ТОШКЕНТ
«YANGI NASHR»
2018

УЎК: 001(092)(575.151)
72.3(5)
А53

Жаъфар Муҳаммад. Вақт таъми. Шеърлар. – Т.: “Yangi nashr”,
2018. – 96 б.

Масъул муҳаррир:

Шокиржон ОЛИМОВ

Такризчи:

Наргис Шоалиева,

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси доценти,
филология фанлари номзоди*

Юрак нафақат инсон жисми ва танасининг, балки руҳий ва маънавий оламининг ҳам маркази, ҳаракатлантирувчи кучидир. Юрак инсон руҳияти тизимидаги қалб, кўнгил ва дил силсиласининг нафақат бошланғич нуктасини, балки ушбу силсиланинг асос-пойдеворини ҳам ташкил этади. Ўзининг кутилмаган, ногаҳоний поэтик ечимлари билан одамни ҳайратга солиб келган зуллисонайн шоир Жаъфар Муҳаммад навбатдаги шеър шодасида юракнинг ушбу жиҳатларини очиб беришга ҳаракат қилган.

Шунингдек, шоирнинг ВАҚТ ва унинг моҳияти борасидаги поэтик мушоҳадаларида ўзига хос ВАҚТ фалсафаси яратилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Мазкур тўпلامдан шоирнинг кейинги йилларда турли жанрларда ёзилган шеърларидан айрим намуналар жой олган.

ISBN-978-9943-22-190-1

© «YANGI NASHR» 2018

ЮРАК ЮРТИДАН ВАҚТ САЛТАНАТИГАЧА

Жаъфар Муҳаммадни юракка ўхшатаман – тўхтовсиз ҳаракатда, доимий ўзгаришда бўлиб турган юракка. Унинг тафаккури ҳам, ижоди ҳам, ўзи ҳам... юрак каби доимий ҳаракатда, ўзгаришда, ривожланишда, такомиллашишда. Шу сабабдан бўлса керак, баъзида Жаъфар Муҳаммад Термизий танқидчиларининг кеча берган баҳоси, кеча чиқарган хулосаси бугунга мувофиқ келмай қолади. Жаъфар Муҳаммад ҳамиша ўз адабий танқидчиларидан бир қадам олдинда юради. Унинг ижоди турли йилларда ишқий шеърият, ирфоний шеърият, фалсафий шеърият, ижтимоий шеърият, халқона шеърият... сифатида баҳолаб келинди. Кимдир у деди, кимдир бу... Бироқ ҳеч ким бир тўхтамга келолмади. Чунки, биринчидан, ўз ижодида у ёки бу жанр билан чекланиб қолмасдан, классик ва замонавий адабиётнинг барча жанрлари, жумладан, ғазал, қасида, маснавий, мухаммас, мустазод, қитъа, рубоий, дубайтий, фард каби классик шеърият жанрлари ҳамда бармоқ вазни, эркин шеър ва оқ шеър каби замонавий шеърият турларидан бир хилда фойдаланадиган Жаъфар Муҳаммад шеърларида инсоний ва илоҳий ишқни ҳам, ирфоний ва фалсафий мушоҳадаларни ҳам, халқона оҳангларни ҳам учратиш мумкин. Иккинчидан, юқорида айтиб ўтганимиздек, Жаъфар Муҳаммад доимий ҳаракатда, ўзгаришда... У ойдан ойга, йилдан йилга, тўпладан тўпламга, шеърдан шеърга... такомиллашиб бораверади. Унинг кейинги шеърлари, кейинги тўпламларида қандай янги шакл ва маъноларни қўллашини башорат қилиш қийин. Бу сафар ҳам шундай бўлди: Жаъфар Муҳаммаднинг янги шеърий тўплами ўқувчиларга янги маъно оламларини тортиқ этди.

Шоирнинг навбатдаги тўплами ҳажман кичикрок, мўжазрок бўлса-да, анчагина катта маъно оламини ўзида акс эттирган. Бу тўплам ўзининг муаллифига – чаққон жусасида улкан тафаккур юкини кўтариб юрган Жаъфар Муҳаммаднинг ўзига ҳам ўхшаб кетади. Умуман олганда, бу Жаъфар Муҳаммад ижодига хос хусусият: кичик ҳажм-



ли шеърларида улкан маъно, кичик ҳажмли тўпламларида улкан дунё... акс этади.

Кўлингиздаги тўплам тўғрисида сўз юритишдан олдин ўзбек ва форс-тожик тилларида ижод қилувчи зуллисонан шoir, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Жаъфар Муҳаммад ижоди ҳақида икки оғиз эслатма бериб ўтсак. Шу пайтгача шоирнинг еттита шеърий тўплами – “Ёмғирнинг нигоҳи” (Термиз, 1997), “Қуёш киприклари” (Душанбе, 1999), “Рангнинг яшил чиқиши” (Тошкент, 2003), “Тажаллий” (Тошкент, 2008), “Кўзгу хайрати” (Тошкент, 2010), “Ишқ ошиғи” (Тошкент, 2011) ва “Қуёш сийрати” (Тошкент, 2014) ҳамда битта сайланмаси – “Ҳануз ишқ...” (Техрон, 2011) дунё юзини кўрган бўлиб, сиз ўқиб турган мажмуа унинг шу ҳисобдаги саккизинчи шеърий тўпамидир. Ушбу тўпламлар мазмуни шуни кўрсатадики, Жаъфар Муҳаммад шеърияти мажозий-рамзий образларга бой бўлган, фалсафий ва ирфоний руҳият билан йўғрилган, шунинг билан биргаликда халқона оҳангларга ҳам ҳамоҳанг бўлган шеъриятдир. Ишқ, инсон, ватан, ҳаёт, гўзаллик, инсонийлик, эзгулик каби мавзулар диққат марказида турган, умид ва неқбинлик муҳити ҳоким бўлган ушбу шеърият ўқувчини инсон руҳий кечинмалари оламига етаклаб боради.

Жаъфар Муҳаммаднинг “Вақт таъми” деб номланган янги тўплами, бир томондан, шоир руҳиятида давом этаётган жараёнларнинг мантикий давоми бўлса, иккинчи томондан, янги тушунчалар, янги поэтик образлар, янги ечимлар, янги кашфиётларга бой. Бармоқ вазни, ғазал ва оқ шеър каби жанрларда ёзилган шеърларни ўз ичига олган ушбу тўпамнинг маъновий структурасида *юрак* ва *вақт* тушунчалари алоҳида ажралиб туради. Келинг, аввал шоир талқинидаги *юрак* тушунчасига эътибор қаратайлик.

Юрак ҳақиқий ва мажозий маънолар туташмаси, инсон вужуди ва моҳиятининг марказидир. *Юрак* жисм ва руҳдан иборат бўлган одамнинг нафақат танасини, балки унинг руҳиятини ҳам ҳаракатлантирувчи кучдир. Баъзида фақатгина маънавий ва руҳий характерга эга бўлган кўнгилдан фарқли равишда моддий ва жисмоний жиҳатга ҳам



эга бўлган *юракни* кўнгил ва қалб тушунчаларидан қуй-ирокда кўришимиз, айрим ҳолларда эса унга фақатгина моддий тушунча сифатида қарашимиз тўғри эмас. Зеро, *юрак* инсон руҳияти тизимидаги қалб ва кўнгил силсиласининг нафақат бошланғич нуктаси, балки ушбу силсиланинг асос-пойдеворини ҳам ташкил этади. Ўзининг кутилмаган ва ҳайратли поэтик ечимлари билан одамни ҳайратга солиб келган Жаъфар Муҳаммад *юракнинг* ана шу жихатларини маҳорат билан очиб беришга муваффақ бўлган.

Шоир наздида *юрак* инсонларга сахарлар ато этиб, ўзи хуфтон бўлувчи, инсонларга ўзлик бағишлаб, ўзини йўқотувчи, яъниким, инсоннинг ўзлигига сингиб кетувчи моҳиятдир:

Нега бунча хуфтонсан, хуфтон,
Сахарларни уйғотган Юрак?
Менга ўзлик бахшида этиб,
Ўзлигини йўқотган Юрак?

(“Юрак балладаси”)

Жаъфар Муҳаммад нигоҳида *юрак* инсон руҳиятини бошқариш, инсонни ўз йўлига бошлаш учун у билан доимо талашиб-тортишувчи сийратдир:

Дунё! Муштдай *юрак* кўксимда,
Муштлишади мен билан доим.

(“Дунё”)

Шунингдек, *юрак* нафақат инсон руҳиятининг, балки дунё моҳиятининг ҳам асоси, ўқи бўлиши керак. Акс ҳолда бундай дунёнинг кераги йўқ:

Энди нетай, сенсиз ўзимдан
Бир нафас ҳам кўнглим тўлмаса!
Дунёсидан безорман, агар,
Унда сендек *юрак* бўлмаса!

(“Юрак балладаси”)



Ва ниҳоят, шоир *юракка* маълум бир юрт, миллат ва динга тегишли бўлмаган умуминсоний қадриятлар тимсоли сифатида қарайди:

Кимсан, Юрак? Қайси юртдансан,
Айтгин, кимдир аслу насабинг?
Етмиш учта мазҳаб ичидан
Кайси бири сенинг мазҳабинг?

(“Кимсан, Юрак?”)

Энди шоир талкинидаги вақт тушунчаси тўғрисида. Вақт олдинлари ҳам Жаъфар Муҳаммаднинг диққат марказида турган мавзулардан, тушунчалардан, ҳодисалардан, моҳиятлардан... бири. Жумладан, у ўз шеърларидан бирида вақтни гоҳ инсонларга ҳаёт дарсини ўргатувчи доғишманд орифга, гоҳ инсонга берилган умрни бир пасда поёнига етказиб қўювчи шафқатсиз бўрига менгзаш орқали вақт моҳиятининг турли қирраларини очиб беришга муваффақ бўлган бўлса, кўлингиздаги тўпلامда вақтнинг моҳиятий функциялари янада кенгайтирилган кўринишда намоён бўлади.

Жаъфар Муҳаммад талкинидаги вақт баъзида инсон руҳиятига захм (жароҳат) ва ваҳм (хаёл) етказувчи, унинг сўзларига эса таъм бағишловчи ҳодиса сифатида кўзга ташланади:

Ниҳоят, келдинг –
Юзларингда
Вақт захми,
Кўзларингда
Вақт ваҳми,
Сўзларингда
Вақт таъми.

(“Вақт таъми”)

Шунингдек, шоир нигоҳида вақт шакли мазмунга, моддани моҳиятга айлантириш қудратига эга кучдир:



Мен эса
Вақт хумида
эзилиб-эзилиб
Шаробга айланиб кетган узумман...
(“Вақт таъми”)

Жаъфар Муҳаммад “Вақт анатомияси” шеърида вақт моҳиятининг турли қирраларини бирмунча кенгайтирилган ва тафсиллаштирилган тарзда кўрсатиб беришга уринади. Унинг наздида вақт гоҳида шошилмаслик ва донишмандлик рамзи бўлган тошбақага, гоҳида сукунатни кўкқисдан бузувчи курбақага... ўхшаб кетади:

Вақт –
чопиш бўйича
чемпион бўлган
бир қуён билан
пойгага тушган
зил-замбил донишманд тошбақа.

Вақт –
туннинг шап-шаффоф
ойналарини
чил-чил-чил синдирган
кўшиқчи курбақа.

(“Вақт анатомияси”)

Жаъфар Муҳаммад ўзининг янги тўпламида ҳозирги ўзбек шеъриятида қўлланила бошлаган “сенсизлик”, “менсизлик”... каби поэтик-фалсафий категориялардан фойдаланишга бирмунча муваффақиятли тарзда уринган. Шоир Усмон Азим, Фахриёр ва бошқалар томонидан ўртага ташланган, ҳозирги шоирлар ижодида тез-тез учраб турадиган ушбу тушунчаларга ўзгача бир ранг беришга ҳаракат қилган.

Сенсизлик Жаъфар Муҳаммад нигоҳида биринчи навбатда ҳижрон сувратидир:

Энди тортар ҳижрон азобин
Сенсизликда яшаётган шеър.
(“Сенсизликда яшаётган шеър”)



Шунинг билан биргаликда, сенсизлик фақатгина севгили ёрдангина эмас, балки ўздан ҳам жудоликдир:

Сўнгсизликдан қутқарасанми,
Сенсизликдан қутқарасанми?
Сенсизликмас, аслида мени
Менсизликдан қутқарасанми?

(“Майли эди...”)

Шоир ўзининг “Биласанми?” шеърда сенсизлик ва менсизликнинг – ундан ва ўздан жудоликнинг яхлит картинасини чизиб беришга уринади:

Сен
Менинг
ҳеч қачон
топмаган
Сенсизлигимсан.

Мен
эса
Сенинг
азалдан
йўқотган
Менсизлигингман.

(“Биласанми?”)

Жаъфар Муҳаммад ундан ва ўздан жудолик тасвиринигина эмас, балки уни ва ўзини ўрганиш ва тадқиқ қилиш формулаларини ҳам ўртага ташлайди. Шоирнинг инсон руҳияти тадқиқотлари натижасида тақлиф этган янги ечимларидан, амалга оширган янги кашфиётларидан бири “сеншунослик” ва “меншунослик” тушунчаларидир. Тўпламдан жой олган “Меншунослик факультети” номли кичик шеърда ушбу тушунчалар ўртасидаги ўзаро муносабат тасвирланади:

Мен
Сеншуносман,



касбим – шу,
корим – шу!

Лекин Сен
Меншунослик факултетига
ўқишни ҳеч қачон
истамагансан
бўлмағур соҳа деб...
Не қилай,
Борим – шу!

(“Меншунослик факултети”)

Жаъфар Муҳаммад ҳамиша орзу, умид ва некбинлик шоири бўлиб келган. У ўзининг “Бир куни...” деб номланган шеъри билан нафақат ўзининг навбатдаги шеърий тўпламига, балки ҳозирга қадар бўлган кечинмаларига ҳам нуқта қўяди, гўё... ва янги тафаккур, мушоҳада, муроқаб... маҳсуллари билан шеърият ихлосмандлари ҳузурига қайтиб келишга сўз беради:

Бир куни
Япроқлар устида
Милтиллаб,
Мўлтираб турган
Шабнамларнинг садосиз азонлари остида,
Сув сатҳида оқ муроқабга
Кетган нилуфарларнинг
Сукути қаъридан
Дунёга қайтадан
Туғилиб келаман!

(“Бир куни...”)

“Вақт таъми” тўпламидан бармоқ вазнида ҳамда ғазал, эркин ва оқ шеър жанрларида яратилган шеърларни ўз ичига олган “Юрак юрти”, “Тажаммул”, “Вақт анатомияси” ва “Қўшиқларда янграган оҳанг” номли алоҳида туркумлардан ташқари Жаъфар Муҳаммаднинг форс-тожик классик ва замонавий шеърияти намуналаридан таржималари ҳам жой олган. Бунда ўқувчи шоирнинг ўтмиш



шоирларидан Умар Хайём ва Мирзо Масеҳо Бойсуний, ҳозирги замон тожик шоирларидан Лойиқ Шерали, Гулназар, Низом Қосим ва Фарзона Хўжандий, Эрон шоирларидан Сухроб Сипехрий ва Салмон Ҳиротий шеърятидан намуналарнинг ўзбек тилига таржимаси билан танишиш имкониятига эга бўлади.

Жаъфар Муҳаммаднинг эллик ёшлик тўйи арафасида нашр этилган ушбу тўплам борасида билдирган мулоҳазаларимиз сўнгида шоир ижодига янгидан-янги муваффақиятлар тилаб, ундан янги шеърлар, янги тўпламлар, янги тафаккур дурдоналари кутиб қоламиз.

Шокиржон ОЛИМОВ,
шарқшунос ва таржимон





Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/4630> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4630> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/4630>